

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**Самарқанднинг 2750
йиллик юбилейига
бағишланади**

Ғ.Ҳ.Қудратов, Қ.Ж.Мирзаев, М.Қ.Пардаев

**АГРОСЕРВИСНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

ТОШКЕНТ - 2007

Ғ.Ҳ.Қудратов, Қ.Ж.Мирзаев, М.Қ.Пардаев. Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Т.: «Фан ва технологиялар», 2007. - 16 бет.

и.ф.н., доцент Қ.Ж.Мирзаевнинг таҳрири остида

Тақризчилар: и.ф.д. профессор И.С.Тўхлиев,
и.ф.н. доцент Б.А.Абдукаримов.

Ишда Республикамиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи аграр соҳада сервис хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳамда унинг 2007-2010 йилларга мўлжалланган истиқболлари қараб чиқилган. Шу билан бирга қишлоқда агросервис хизматини ривожлантиришнинг объектив зарурлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам кўрсатиб берилган.

Иш агросервис билан шуғулланувчи соҳа мутахассисларига мўлжалланган. Ундан олий ўқув юрти талаба ва ўқитувчилари, магистрлар, аспирантлар ва докторантлар, менежерлар, иқтисодчилар ва бошқа шу соҳа билан қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2007 й.
© Қудратов Ғ.Ҳ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ., 2007 й.
© “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2007 й.

КИРИШ.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва аҳолининг бандлик масаласини ҳал қилиш каби муҳим табирлардан бири хизмат соҳасини ривожлантиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида таъкидлаганидек, «нз-ўзидан равшанки, хизмат кўрсатиш ва сервисга бўлган талабнинг изчил ўсиб бориши билан бу соқа нафақат аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, энг зарур замонавий хизматлар кўрсатиш, балки одамларнинг биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисининг бандлик муаммоларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнаши керак»¹дир.

Аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда ҳам сервиснинг аҳамияти катталигига охирги икки йил давомидаги маълумотларни таҳлил қилиш натижасида ҳам амин бўлдик. Бу масала истиқболда янада катта аҳамият касб этади.

Айниқса бу борада аграр соҳада сервис хизматини ривожлантиришда ҳукуматимиз томонидан чиқарилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг алоҳида ўрин бор. Жумладан, аграр соҳасидаги иқтисодий ислохотларни ривожлантириш талабидан келиб чиққан қолда 2006 йил 9 январда «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2006 йил 23 мартда «Шахсий ёрдамчи, деҳқон фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ва фармонларини қабул қилинган эди. Бу ҳуқуқий меъёри ҳужжатлар аграр соҳада аҳолини иш билан таъминлашга, қишлоқда тадбиркорликни ривожлантиришга ва хўжалик юритувчи субъектлар сонини кўпайтиришга, аграр соҳада эркин иқтисодиётни шакллантиришга жуда катта ёрдам бермоқда.

Айниқса Ўзбекистонда агробизнесни ривожлантиришга Президентимизнинг яна бир муҳим қарори, яъни «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадвллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2006 йил 17 апрел) қарори жуда катта аҳамият касб этади. Бу қарор бу борадаги ишларни янада жонлантиришга қишлоқ инфрақурулушини кучайтиришга жуда катта имкон яратади.

Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга қаратилган ҳукумат тадбирлари изчиллик билан давом этиб келмоқда. Хусусан, 2005 йил 20 июнида “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2006 йил 5 январда “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2006 йил 9 январда “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2006 йил 23 мартда “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги қарор ва фармонларини қабул қилган эди. Буларнинг ҳаммаси аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини, иш билан таъминлашга, тадбиркорликни ривожлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар сонини кўпайтиришга, эркин иқтисодиётни шакллантиришга, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилгандир.

Хуллас сервисни ривожлантиришга ҳар томонлама эътиборнинг қаратилаётганлигини мамлакатимиз Президенти ва Ҳукуматимизнинг қабул қилган қарор ва фармонларидан ҳам билиш мумкин. Агар 2006 йил 17 апрелида Президентнинг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-325-сонли қарори қабул қилинган бўлса, 2007 йил 23 майда ушбу қарарга янада аниқлик киритиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори эълон қилинди. Мазкур қарорлар жойларда изчиллик билан бажарилмоқда. Хусусан, Самарқанд вилояти ҳокимининг 2007 йил 29 майда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 майдаги ПҚ-640-сонли “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори ҳақида” 88-К-сонли қарорини қабул қилди. Самарқанд вилоятида бундан ташқари яна “Вилоятда халқаро ва ички туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” вилоят ҳокимининг 2006 йил 16 декабрда 182-К сонли қарори қабул қилинди.

Буларнинг ҳаммаси кўрсатадики сервис соҳасини ривожлантиришга, шу билан бирга агросервисни тараққий эттиришга ҳам катта аҳамият берилиб келинмоқда. Аммо бунинг ривожланишини таъминлаш учун ҳар бир ҳудуднинг хусусиятларини инобатга олиб унинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилишни тақозо қилади.

1. Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Республикаимизнинг аграр соҳасини ривожлантириш иқтисодиётнинг муҳим омилларидан биридир. Чунки, шу соҳанинг ривожланишини таъминлаш бевосита агросервисни ривожлантириш билан боғлиқдир. Бу эса бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда қишлоқда агросервис соҳасини жадал ривожланишини тақозо қилади.

Шуни эътироф этиш керакки, ушбу соҳа қишлоқда жуда катта маблағ талаб қилмаслиги, ҳамда арзон ишчи кучига эга эканлиги сабабли (Ўзбекистон аҳолисининг 63 % қишлоқда истиқомат қилади) камда хизмат кўрсатиш ва сервисга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги билан характерланади.

Бироқ мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, айниқса қишлоқ жойларида бу соҳанинг ривожланиши учун ҳеч қандай таъсирчан чоралар кўрилмасдан келинганлиги ҳақиқат. Шу туфайли мазкур қарорда: «Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари бу муҳим тармоққа керакли даража эътибор

қаратмаётганлигига мутлоқо тоқат қилиб бўлмайди»¹, деб таъкидланди.

Республикада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2005 йилда 38,3 фоизни ташкил қилгани қолда, мамлакатимиз аҳолисининг истеъмол харажатлари таркибида хизматларнинг улушига бор-йўғи 15,4 фоизни ташкил қилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2006-2010 йилларда Президент қарорга биноан, мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини, шу жумладан агросервисни ривожлантиришнинг ҳам асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Хизматлар ва сервис соҳасида банд бўлган аҳолининг сонини 2010 йилга бориб 1,6 мартага кўпайтиришни инобат олиб қишлоқда бу соҳада ишловчиларни кўпайтириш.
2. Қишлоқ жойларда хизмат ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, хусусан, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, комунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва машина трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш.
3. Қишлоқда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш ҳамда айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унутилиб кетилган аграр соҳадаги хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклаш.
4. Фермер хўжаликларига агросервис хизматларининг консалтинг, юридик, банк, молия, суғурта, лизинг ва бошқаларни жадал ривидда ривожлантириш.
5. Қишлоқда хизматлар экспортини кўпайтириш учун ушбу соҳа корхонларининг халқаро бозордаги хизматлар даражаси ва сифатини оширишга эришиш.
6. Қишлоқда агробизнесни ривожлантирадиган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган малакали кадрларни тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишга эришиш.

Бу борада айниқса Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги (2006 йил 17 апрел) қарорига асосан аграр соҳа билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш ва шу асосида аҳолининг бандлиги даражасини ошириш вазифасини юклатилганлиги қишлоқ аҳолиси учун жуда катта имкониятлар яратиб берилганлигидан далолат беради.

Мамлакатимиз Президентининг касаначиликни ривожлантиришга қилаётган эътибори қишлоқда бевосита хизматлар соҳасининг ҳам ривожланиши учун тегишла шароит яратади. Хусусан, 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори, 2007 йил 12 феврал. Ҳалқ сўзи. 2007 йил 15 феврал.

¹ 1“2006 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори, 2007 йил 12 феврал. Ҳалқ сўзи. 2007 йил 15 феврал.

ривожлантириш, одамларимизга касаначиликнинг турли шакллари билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратиб бериш, муҳтож оилаларни чорва моллари билан таъминлаш борасида қилинган кўпгина ишлар туфайли мамлакатимизда қарийб 570 мингта иш ўрни яратилди. Айниқса 2006 йилда йирик саноат корхоналари билан кооперациялашиш негизида касаначилик фаол ривожланиб, унинг натижасида 60 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди².

Мамлакатимиз Президенти касаначиликнинг аҳамиятига тўхталиб, шунинг алоҳида таъкидладики, «...биз катта сармоя, маблағ талаб қилмайдиган касаначиликни йўлга қўйиш мақсадида жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналарида бекор ётган турли хил дастгоҳ ва ускуналарни қўлидан иш келадиган одамларга, оилаларга бердик. Натижада 60 минг одам, 60 минг оила қўшимча даромадга эга бўлди. Шу одамларнинг, айтиш мумкинки, дунёқараши ўзгарди. Улар энди ўз оиласи, болалари олдида бошини кўтариб яшайди, эл-юрт, Ватан равнақига ўз ҳиссасини қўшади³». Касаначилик орқали хизматларни ҳам, аҳолининг бандлигини ҳам ривожлантириш учун катта имконият эканлигини унинг биргина носаноат соҳасида лъълланилаётган касаначилик меънатининг асосий турларининг рўйхатига назар солишнинг ўзи ҳам етарли, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг носаноат соҳасида лъълланилаётган касаначилик меънатининг асосий турларининг рўйхати

Тармолнинг номи	Касаначилик меънатининг фойдаланилаётган турлари
Ўурилиш	Хом ғишт, дурадгорлик буюмлари (дераза ромлари, эшиклар), уларга ишлатиладиган деталлар ва фурнитура, кулолчилик-пардозлаш блокларини тайёрлаш, кисоб-китоб кўжжатларини тайёрлаш, ўурилиш объектлари дизайн ива безатилишини ишлаб чиљиш
Ўй-жой коммунал хизматлари кўрсатиш	Диспечерлик ишларини бажариш (таъмирлаш талабномаларини лъбул лъилиш ва таљсимлаш), сантехника буюмларига ишлатиладиган деталларни тайёрлаш бњйича майда чилангарлик ишларини бажариш, ълчаш асбобларини майда таъмир ишларини бажариш
Маиший хизмат кўрсатиш	Кир ювиш ва ювилган мақсулотларни эгаларига етказиб бериш
Темирўл транспорти	Кўрпа-ёстиљ буюмларини, матрасларни тикиш ва таъмирлаш, ъл чипталарини уйга етказиб бериш, диспетчерлик-маълумот бериш ишларини, таржима ишларини бажариш
Авиация транспорти	Униформани ювиш ва таъмирлаш, суянадиган ёстиљчалар учун сочиљлар тайёрлаш, маиший наущникларни таъмирлаш ва тиклаш, диспетчерлик маълумот бериш

² Каримов И.А. "Янгиланиш ва барқарор тараккиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир". 2006 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2007 йил 12 феврал. Ҳақ сўзи. 2007 йил 13 феврал.- 2 бет

³ Ўша жойда. – 2 бет.

	ишларини, таржима ишларини бажариш
Автомобил транспорти	Автомобилларга ишлатиладиган агрегатлар ва эътиёт лйсмлрни тиклаш ва таъмирлаш
Алоља ва коммуникация	Почта конвертлари тайёрлаш, кабелни телевидение сигналлари кучайтиргич блокларига хизмат кўрсатиш
Туризм ва меъммонхона ишлари	Кир ювиш ишлари, жиқозлар ва мебелни майда таъмир ишларини бажариш, кичик меъммонхоналари саълаш, меъммонхоналаридаги жойларни бронлаш бъйича диспетчерлик ишларини бажариш, буклетлар лойикаларини ишлаб чиъиш, кичик безатиш шаклларини ишлаб чиъиш
Товарлар тайёрлаш ва моддий-техник жиқатдан таъмирлаш	Шиша идиш йиъиш ва бирламчи ювиш, майда ва сочилувчан товарларни лъадольлаш ва бутлаш, униформа таъмирлаш ва ювиш
Молия ва суъурта иши	Суъурта бъйича агентлик ишлари, бухгалтерия ишларини бажариш
Маданият ва санъат	Буклетлар лойикаларини ишлаб чиъиш, кичик безатиш шаклларини ишлаб чиъиш, бадий буюмларни рестаурация лъилиш ва тиклаш
Таълим	Компьютер тармольларида нъув ахборотларини излаш в танлаб олиш, масофадан туриб нълитиш ва маслаклар бериш, репетиторлик лъилиш
Ноишлаб чиъариш соқасининг барча тармольлари	Махсус кийим тикиш ва таъмирлаш, совъа буюмлари тайёрлаш, жиқоз ва асбоблар майда таъмирини, матбаа- босма ишларини бажариш

Бу турдаги касаначиликларнинг деярли ҳаммасида хизмат кўрсатиш соҳасига оид фаолиятларнинг мавжудлиги билан бирга ҳаммасини қишлоқда ҳам ривожлантириш мумкинлигидадир. Булар ҳам кўрсатадики, қишлоқда ҳам хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш, унинг таркибида агросервисни тараққий эттириш учун тегишли шароитлар яратилган. Аммо шуни эътироф этиш керакки, қишлоқда сервис соҳасини ривожлантириш бир ҳисобда мураккаблиги ва бир ҳисобда ўта осон ва арзонлиги билан характерланади. Шу туфайли ушбу ҳолатга ҳам алоҳида аҳамият бериш лозимдир.

2. Қишлоқда сервис хизмати кўрсатишни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш вазифаларидан келиб чиқиб аграр соҳада сервис хизматини ривож топишга имкон яратилди. Иқтисодий адабиётлардан маълумки «Сервис service- инглизча сўздан олинган бўлиб, “аҳолига маиший хизмат кўрсатиш”ни англатади. Русча-ўзбекча луғутда «сервис»-сервис “аҳолига хизмат кўрсатиш, хизмат”⁴, деб кўрсатилган. Кўриниб турибдики, сервис сўзи хизмат

¹Ғ.Ҳ.Қудратов, М.Қ.Пардаев, Б.А.Абдукаримов. Сервис ривожини – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Услубий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2007 й. 14-бет

соҳаси билан ҳамоҳанг, бир-бирига ўхшаш синоним сўзларидир. Бизнинг тушунчамиз бўйича хизмат кўрсатиш сервисга нисбатан кенгроқ бўлиб, у хизматнинг барча соҳасини, яъни ташкилотлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатишни қамраб оладиган бўлса сераис эса хизматларнинг бир қисми бўлиб асосан одамларга ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ жараёнларга кўрсатиладиган хизматларни ўз ичига олади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланиб, бу тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 27 %ни ташкил этади. Шунингдек мамлакат ҳалқ истеъмоли фондининг 3/4 қисми бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотидан ёки қишлоқ хўжалик хом ашёсидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотидан иборат. Республикамизда жами валюта тушумининг 40-50%ини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва улардан қайта ишланган товарларни сотишдан ташкил этади.

Агросервисни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан фарқ қиладиган ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг биринчи хусусияти шундан иборатки, тармоқда ер-сув ресурслари, ўсимлик ва табиий ҳайвонот дунёси, тирик организмлар, биологик меҳнат воситаларидан фойдаланилади;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иккинчи хусусияти шуки, бу тармоқда бош ишлаб чиқариш воситаси ер ресурслари ҳисобланади;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг учинчи хусусияти юқорида келтирилган икки хусусиятдан келиб чиқади. Унда такрор ишлаб чиқариш иқтисодий жараёни табиат билан чамбарчас боғланган, маҳсулот ишлаб чиқариш биологик цикл билан боғлиқ;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тўртинчи хусусияти тупроқ-иқлим шароитига боғлиқлигидир. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги йиллар бўйича иқлим шароитига ва об-ҳавога қараб ўзгариб туради, бу эса ўз навбатида чорвачиликнинг ривожланишига, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигига таъсир қилади;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бешинчи хусусияти шуки, бу тармоқда сув ресурсларидан фойдаланиш муҳим рол ўйнайди;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг олтинчи хусусияти – бу ерда иш вақти билан ишлаб чиқариш даври мос келмайди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш даври иш вақтидан узоққа чўзилади. Бу шу билан тавсифланадики, биологик жараён бевосита кишиларнинг иштирокисиз ҳам давом этаверади;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг еттинчи хусусияти шуки, бу тармоқ ўзининг ривожланиши жараёнида табиий ва иқтисодий шароитларига қараб ўзаро технологик боғлиқ бир неча тармоқ ишлаб чиқаришига ихтисослашади;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг саккизинчи хусусияти – бу ерда тайёр маҳсулот (ялпи маҳсулотнинг 20%) нинг бир қисми келгуси давр ишлаб чиқаришига, ишлаб чиқариш воситаси (уруғ, ем-ҳашак, бузоқ ва ҳ.к.) га киради.

Қишлоқда 2007 йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохатларнинг ҳам асосий мақсади қишлоқ халқи фаровонлигини ошириш, уларга кўрсатилган хизматни яхшилаш, қишлоқда ишсизликни камайитириш, қишлоқ аҳолисини муҳофоза қилишга қаратилган. Айниқса фермер хўжаликларга сервис хизматини ўзига хос томонларини мавжудлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда фермер хўжаликларига сервис хизматини кўрсатиш алоҳида аҳамият касб этади шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларида сервис хизматини кўрсатиш соҳасини ўзига хос томонларини ўрганиш чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақазо этади.

Мамлакатимиздаги ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларида сервис хизматини кўрсатиш қуйидагилардан, яъни хўжаликларга банк хизмати кўрсатиш, нефть маҳсулотлари етказиб бериш, машина трактор хизматини ташкил этиш, сувдан фойдаланиш уюшмаси, Киме ва менерал угитлар тарқатиш шахобчаси, ахбарот таъминоти ва консалтинг хизмат курсатиш шахобчасидан фойдаланиш қабиларда намоён бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларига сервис хизмати кўрсатишнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади.

- фермер хўжаликлари буюртмасига биноан уларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўрнатилган тартибда тезкор амалга оширишга ва айниқса нақт пул маблағлари олиниш имкониятлари яхшиланади;

- фермер хўжаликларига бериладиган кредитлар, микрокредитлар берилиши имкониятлари ҳамда унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида қайтарилишига имкон берилади;

- фермер хўжаликларнинг намунали хизмати бўйича тўловларни ортиқча харажатларсиз ўз вақтида қайтарилишига имкон беради.

- фермер хўжаликларининг намунали хизмати бўйича тўловларни ортиқча харажатсиз ўз вақтида тўланиш имконияти яратилади.

- фермер хўжаликларнинг молиявий фаолиятига доир маслаҳат хизматлари кўрсатиш, шунингдек банк хизматлари юзасидан маслаҳат ва уларнинг ходимлари ўзларининг молиявий маблағларининг ҳолати ҳамда ҳаракати тўғрисида доимий равишда зарурий маълумотларга эга бўладилар.

Фермер хўжаликларига сервис хизмати кўрсатишида энг муҳим хизматлардан бири ҳисобланган ёқилғи мойлаш материаллари етказиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги № 57 сонли «Маҳсулотлар хом ашёлаш материалларнинг юқори ликвидли турлари сотишнинг бозор механизmlарининг жорий этишга давом эттириш» тўғрисида қарорига асосан амалга оширилмоқда.

Айниқса, бунда аграр соҳада автобензин, дизел ёқилғиси каби нефть маҳсулотларининг биржа ким ошди савдоларида сотиш ишлари белгиланган тартибда олиб борилган эди. Айни пайтда эркин сотувда бу жараён амалга оширилмоқда

Фермер хўжаликларига нефть маҳсулотлари етказиб бериш бўйича сервис хизмати кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар ҳисобланади:

- биринчидан, нефт маҳсулотлари етказиб бериш тартиби тузилган шартномалар асосида амалга оширилади ва шартномалар белгиланган технологик харита меъёрларидан келиб чиққан ҳолда тузилади;

- иккинчидан, давлат буюртмаси бўйича –пахта, ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига технологик харита меъёрларидан келиб чиққан ҳолда нефт базаси унитар корхонасидан махсус рухсатнома асосида сервис хизматлари кўрсатилади;

-учинчидан, фермер хўжаликларига нефт маҳсулотлари етказиб бериш бўйича хизмат кўрсатишнинг ўзига хос томонларидан Яна бири шундан белгиланган миқдордан ташқари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги учун нефт маҳсулотлари биржа очиқ савдолари орқали етказиб борилади;

- тўртинчидан, фермер хўжаликлари биржа очиқ савдоларида малакали брокерлар хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлинади ҳамда энг муҳими, фермер хўжаликлари темир йўл харажаталирини ўз ичига оладиган нефт базасини устама нархларни тўланмайди ҳамда қўшимча қиймат солиғидан озод қилинади;

- бешинчидан, фермер хўжаликлардан нефт маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартнома шартларини ўз вақтида бажариш, белгиланган барча меъёрий ҳужжатлар тўлиқ амал қилиш талаб этилади.

Фермер хўжаликларига муъобил МТП хизмат кўрсатишнинг ўзига хос томонлари лўйидагиларда намоён бўлади:

- фермер хўжаликларига муъобил МТП нўртасидаги сервис хизматлари белгиланган шартномалар асосида олиб бориш;

- муъобил МТПлар фермер хўжаликлари буюртмаси асосида барча хизматларни нўз ваътида ва сифатли бажариш мажбуриятини олиш;

- фермер хўжаликлари муъобил МТПларни бажарадиган сервис хизматлари учун белгиланган тартибда пул маблағлари нўтказишлари қамда нўз ваътида бажармаган хизматлар учун жарима санкцияларни белгилашни талаб лўйилиш имкониятига эга бўлиш ва бошлалардан иборат.

3. 2007-2010 йилларга мўлжалланган агросервисни ривожлантириш бўйича асосий вазифалари

Лўйшлў хўжалиги ривожлантиришда қамда лўйшлўда сервис соқасини кенгайтиришда Президентимиз томонидан чиъарилган лўарор лўйшлўда 2007-2010 йилларга мўлжалланган агросервисни ривожлантириш вазифаларини белгилаб беради. Ушбу вазифаларни белгилаш аграр соқасидаги, айнильса агросервисни ривожлантириш билан боғлиль муаммоларни қал этиш заруратидан келиб чиъади. Олиб борилган аграр соқадаги тадлўйлотлар шуни кўрсатадики қозирги пайтда сервис тизимини лўйшлўда ривожланишга тўсиль бўлаётган асосий муаммолар лўйидагилар кўсобланади.

- биринчидан, ёльилғи мойлаш материаллари таъминотидаги лўйинчиликлар;

- иккинчидан, кимё ва менерал нўйит таъминотидаги етишмовчиликлар;

- учинчидан, мақсулотларни лаяйта ишлаш ва сотишни яхши йўлга лўйилмаганлиги натижасида юзага келадиган лўйинчиликлар.

- тўртинчидан, аграр соқадаги кредит ва лизинг олишдаги лўйинчиликлар;

- бешинчидан, лўйшлол хўжалиги мақсулотларини сотишдаги рўйхатга олиш, лицензиялаш кабилар натижасида юзага келадиган тўсийлар ва бошлалардан иборат. Ана шундай муаммоларни ўз вақтида ечиш зарурлигини Мамлакатимиз Президентининг “2006 йилда мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устивор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йўғилишидаги маърузасида ҳам кўриш мумкин. Унда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган жараёнларни ҳар томонлама таҳлил этибгина қолмасдан, ечимини кутаётган энг долзарб масалаларни ҳамда иқтисодий тараққиёт йўналишларини ҳам белгилаб берди. Ушбу маърузада Ўзбекистон иқтисодиёти янгилашиш, барқарор тараққиёт ва ҳар томонлама ривожланиш йўлидан ишонч билан одимлаб бораётганлигини, буларнинг барчаси ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратишга қаратилганлиги аниқ ва равшан қилиб кўрсатиб берилди.

Мамлакатимизда 2006 йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланди. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 7,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга, истеъмол товарлари 20,6 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш 6,2 фоизга, пулли хизматлар 19,3 фоизга, пудрат қурилиш ишлари 12,8 фоизга кўпайди. Энг муҳим кўрсаткичлардан бири – инфляция даражаси 6,8 фоизга пасайди. Булардан кўриниб турибдики, мамлакат иқтисодиёти барқарор ва изчил ривожланиш йўлидан кетмоқда.

Будай ишларнинг пировард натижаси қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кўтаришга қаратилган. Шу туфайли 2006 йилда ҳам аҳоли турмуш даражасининг ва иш билан банд этишнинг изчил ўсиши таъминланди. Ишлаётганларнинг реал иш ҳақи 36 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса 22 фоизга кўпайди.

Қишлоқда аҳолини иш билан таъминлаш масаласи мамлакатимиз Президентининг доимий диққат – эътиборида бўлиб келган масаладир. Айниқса 2006 йил 9 январда “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2006 йил 23 мартда “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари бунинг исботидир.

Буларни инобатга олиб мамлакатимиз Президенти 2007 йилда амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим етти та устивор йўналишларни ҳам белгилаб берди. Улар асосан агробизнес, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш, ушбу асосида аҳолини иш билан банд этиш ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш, айниқса сервисни ривожлантириш орқали ушбу вазибаларга эришиш масалаларига қаратилган. Мамлакатимиз Президентининг Вазирлар Маҳкамасини йўғилишида белгилаб берган “...икки ой муддатда 2006-2010 йилларда хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини танқидий кўриб чиқсинлар ва унга

тузатишлар киритиш бўйича таклифлар киритсинлар. Дастурда 2007 йилда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириб унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 42-43 фоизга етказиш, хизматларнинг янги, замонавий турларини кенг жорий этиш, ушбу соҳанинг аҳолини, биринчи навбатда қишлоқ жойларда иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этишдаги ролини ошириш чоратадбирлари назарда тутилсин”⁵ деб айтган фикрлари мамлакатимизда агросервисни ривожлантиришда асосий дастур амал ҳисобланади.

Сервис соҳасини янада ривожлантириш мақсадида Самарқанд вилоятида “2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури” қабул қилинган. Ушбу дастурда 2006-2010 йилларда қишлоқда истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, маслаҳат марказлари, 162 та шаҳар ва туман марказларида доимий яшовчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи ярмаркалар ташкил қилиш режалаштирилган. 2010 йилга қадар аҳолига транспорт хизмати ҳажмини қишлоқ жойларида 1,8 мартага ошириш белгиланган. 2006-2009 йилларда 324 та қишлоқ аҳоли пунктлари марказлаштирилган сув тармоғи билан таъминланади.

2006-2010 йилларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари сони ортиб, хизмат ҳажми кўпаяди, аҳолига айниқса, қишлоқ аҳолисига намунали ва замонавий хизмат кўрсатиш тизимини яратиш режалаштирилган. Бунинг учун 7461 та янги иш ўринлари, 2000 дан ортиқ хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил қилиниш белгилаб қўйилган.

Шундай экан, юқорида келтирилган вазифаларни бажариш асосида хизмат ва сервис соҳасининг ички ҳудудий маҳсулотдаги ҳиссаси 2010 йилда 49,0 % га (ҳозирги кунда 31,9 % ни ташкил қилади) етказиш кўзда тутилмоқда. Бунинг асосий қисми агросервис хизмати бўлиб қолади.

Агросервисни ривожлантириш бўйича 2006-2010 йилларда Президент қарори билан тасдиқланган дастурга ва 2007 йилга мўлжалланган мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида белгиланган вазифаларги биноан 2007 йилда ва яқин келажакда қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- мамлакатимизда, айниқса қишлоқ жойларда хизмат ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, хусусан, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш ҳамда машина трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш масаласи ҳам ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади;

— мамлакатимизда, энг аввало қишлоқ жойларда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, шу билан бирга айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо қишлоқда унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклаш масаласи ҳам кун тартибидаги муҳим масалалардан

⁵ “2006 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори, 2007 йил 12 феврал. Ҳалқ сўзи. 2007 йил 15 феврал.

бири бўлиб, уни ривожлантириш ва такомиллаштиришни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада ҳар бир ҳудуд ўзига хос хусусиятларга эга. Буларни жонлантириш масаласи маҳаллий ҳокимликлар диққат марказида бўлмоғи лозимлиги Президентимиз томонидан алоҳида таъкидланди;

- 2007 йилда бошқа хизмат турлари билан бирга хизматларининг янги истиқболли турларини, хусусан фермер хўжаликлариغا юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва бошқаларини жадал равишда ривожлантириш масалалари ҳам кўзда тутилганлиги ва уни тез суръатларда амалга оширилиши муҳим вазифалардан ҳисобланади;
- 2007 йилда агросервис соҳасида яна бир муҳим вазифалардан бири, аграр соҳада хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни амалга оширишдир. Буни амалга оширишда ўқув юртлари, маҳаллий ҳокимиятлар ва соҳа ходимлари ҳамжиҳатлигини таъминлаш масаласи ҳам жиддий масалалардан биридир. Буларнинг аниқ чоралари белгилаб олиниши мақсадга мувофиқдир;
- Қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳозирги шароитда асосан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу жиҳатдан кўриниб турибдики агросервис соҳасини ривожлантириш аҳолининг даромадларини кўпайтириш, турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шарти бўлган қишлоқ аҳолисининг бандлик малакасининг ҳам ҳал бўлишини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Президентимиз таъкидлаганидек: “2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини биричи навбатда қишлоқ жойларда ривожлантириш лозим”⁶лигидан келиб чиқиб катта инвестиция талаб қилмасдан кўплаб янги иш ўринларини яратиш имкониятини излаб топиш;
- агросервис соҳасини ривожлантириш бандлик муаммосини, айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имконияти яратилади. Бу биринчидан қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг аниқ даромадларини кўпайтиришга хизмат қилса, иккинчидан қишлоқ жойларида мамлакатимиз бозорини хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасини ошишига сабаб бўлади.

Умуман юқорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг барча тармоқларда, жумладан аграр соҳада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига муттасил эътибор берилиши, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги ва яқин келажакдаги устивор вазифаларидан бири эканлиги билан характерлидир.

⁶ Каримов И.А.. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Ҳалқ сўзи. 2006 йил 11 феврал. -2 бет.

Мамлакатимизда, шу жумладан, қишлоқ жойларда ҳозирги пайтда шахсий автомобиллар сони жадал ривожланмоқда. Бу эса, ўз навбатида автомобиллар ва бошқа техника воситаларини таъмирлаш хизматини ривожлантиришни тақозо қилади. Чунки ҳозиргача қишлоқ жойларда автомобил сервиси яхши ривожланмаган. Шу туфайли, бу хизмат турлари ҳам келажақда кескин ривожланади. 2010 йилда 2006 йилга нисбатан мазкур хизматларнинг ҳажми 2,1 мартага оширилиш кўзда тутилган. Ушбу хизмат тури 2007 йилда 117,0 % оширилиши белгилаб берилган. 2008 йилда унинг ҳажми 119,0 %, 2009 йилда – 121,0 ва 2010 йилда ҳам 124,0 % ўсиши мулжалланмоқда. Мамлакатимизнинг автомобил чиқарувчи давлатлар қаторидан ўрин олиши, бу борада иккита йирик заводларимизнинг ишлаб туриши мазкур хизматларни келажақда ҳам янада ривожлантиришни тақозо қилади.

Агарда ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғинларида биттадан автосервис шахобчалари ишга туширилса фақат Самарқанд вилоятида бир мингдан зиёд янги иш ўринлари фақат шу битта хизмат туридан очилади. Демак, булардан ҳам кўриниб турибдики, хизматларни ривожлантириш масаласи нафақат хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириши, балки аҳолини иш билан таъминлашни ҳам йўлга қўядиган муҳим соҳалардандир.

Қишлоқ жойларда хизматнинг болаларни соғломлаштириш ва болалар спортини ривожлантириш билан боғиқ турлари ҳам хизматлар ичида алоҳида ўрин ва нуфузга эга. Шу туфайли мазкур хизматларни ривожлантириш масаласи ҳам муҳимлигича қолмоқда. 2010 йилда 2006 йилга нисбатан мазкур хизматларнинг ҳажми 1,9 мартага оширилиш кўзда тутилган. Ушбу хизмат тури 2007 йилда 114,7 % оширилиши белгилаб берилган. 2008 йилда унинг ҳажми 116,7 %, 2009 йилда – 108,6 ва 2010 йилда ҳам 121,0 % ўсиши мулжалланмоқда. Бу тур хизматларнинг ҳам истиқболи парлоқ. Чунки мамлакатимизда деярли барча аҳолининг ярма ёш болалардир. Ёшлиқ шижоати бу тур хизматларга муҳтожлиги билан характерлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хизматларнинг бу болаларни соғломлаштириш ва болалар спортини ривожлантириш билан боғиқ турлари қишлоқ учун жуда аҳамиятлидир, чунки қишлоқда аҳолининг учдан бир қисми яшаши билан бирга у ерда туғилиш даражаси ҳам юқори. Бу эса қишлоқларда болаларнинг кўплиги ва уларга мазкур хизматларни кўрсатишнинг зарурлиги билан характерланади. Бу объектив зарурият, қишлоқда болаларни соғломлаштириш ва болалар спортини ривожлантириш билан боғиқ хизматларни жадал ривожлантиришни тақозо қилади.

Барча юқорида келтирилган хизмат турларининг истиқболини алоҳида ҳудудлар бўйича ҳам 2007-2010 йиллар давомида ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Унга кўра мамлакатиздаги белгиланган ўсиш суръатини қайси ҳудудлар эвазига таъминлаш масаласи яққол кўзга ташланиб турибди. Буларнинг ҳолатини таҳлил қилганда Самарқанд вилоятининг ўзига хос ўрни борлигини кўрамиз. Бу масалага алоҳида тадқиқот иши бағишланганлиги туфайли мазкур рисолада фақат уни эслатиш билан чекланамиз.

Қишлоқда сервис хизматини, шу жмладан, агросервис соҳасини ривожлантириш қишлоқ аҳолисининг даромадларини кўпайтиришнинг,

кишлоқда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шарти бўлган аҳолининг бандлик масаласининг ҳам ҳал бўлишини таъминловчи муҳим омиллардан бири сифатида жадал ривожлантиришни тақозо этади

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Президентнинг ПҚ-325-сонли қарори. 2006 йил 17 апрель.
2. “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Президент қарори. 2007 йил 23 май.
3. “Вилоятда халқаро ва ички туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Самарқанд вилоят ҳокимининг 2006 йил 16 декабрда қабул қилинган.
4. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 майдаги ПҚ-640-сонли “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори ҳақида” Самарқанд вилояти ҳокимининг 2007 йил 29 майда қабул қилган 88-К-сонли қарори.
5. Каримов И.А. “Янгилаштириш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир”. 2006 йилда республикаимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2007 йил 12 феврал. Халқ сўзи. 2007 йил 13 феврал.
6. 2006 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори, 2007 йил 12 феврал. Халқ сўзи. 2007 йил 15 феврал.
7. Каримов И.А.. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2006 йил 11 феврал. -2 бет.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2006 йил 17 апрел. Халқ сўзи. 2006 йил 18 апрел.
9. Ғ.Ҳ.Қудратов, М.Қ.Пардаев, Б.А.Абдукаримов. Сервис ривожи – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Услубий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2007 й.- 14-бет

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
1. Агросервиси ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....	4
2. Қишлоқда сервис хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	6
3. 2007-2010 йилларга мўлжалланган агросервиси ривожлантириш бўйича вазифалари.....	11
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	16